



ДАВЛАТ РАҲБАРИ СЛОВЕНИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИ ТАБРИКЛАДИ

ҚР Президенти Қасим-Жумарт Тўқаев Словения миллий куни муносабати билан Президент Наташа Пирц Мусарга табрик йўллади.

“Қозоғистон ва Словения ўртасидаги анъанавий дўстлик ва ўзаро ёрдамга асосланган ҳамкорлик йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётгани қувонарлидир. Кўп қиррали Қозоғистон–Словения ҳамкорлиги халқларимиз фаровонлиги йўлида изчил ривожланишига умид қиламан”, дейилади табрикда.

Давлат раҳбари Словения Президенти ва халқига бахт ва фаровонлик тилади.

БИЗКИМ, МУЛКИ ТУРОН...

ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БОШ КОТИБИ “УМУМТУРКИЙ ЛУҒАТ” ЯРАТИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛДИ

Шу кунларда Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида Махмуд Қошғарийнинг “Девони луготит турк” асарининг 950 йиллигига бағишланган Халқаро анжуман ўтмоқда.

Мазкур тадбирда ЮНЕСКО, Туркий Академия, Туркий давлатлар ташкилоти ва бошқа қатор халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакиллари иштирок этмоқда.

“Девони луготит турк” асари – туркий халқларнинг тили, тарихи, географияси ва маданиятига оид илк ёзма энциклопедиядир.



Анжуманнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Туркий давлатлар ташкилоти Бош котиби Кубаничбек Омуралиев ушбу китобнинг аҳамиятига тўхталар экан, асарнинг замонавий туркий тилларнинг тараққиётидаги ўрнини қайд этиб, унинг асосида “Умумтуркий лугат”ни яратишни таклиф қилди.

КАСБИ БОРНИНГ – БАХТИ БОР

Техника ва касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларининг 25 фоизи ўз касби бўйича ишламайди. Бу ҳақда Ҳукумат йиғилишида бош вазир Ўлжас Бектенов маълум қилди.

– Ёш мутахассисларнинг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Таҳлилларга кўра, техник ва касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларининг 25 фоизи ўз касби бўйича ишламайди. Шу боис уларни иш билан таъминлаш учун иш берувчилар, айниқса, йирик корхоналар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш зарур, – деди Ўлжас Бектенов.

Бош вазирнинг сўзларига кўра, Меҳнат вазирлигига янги ишчи кучини талаб қиладиган барча лойиҳаларнинг тўлақонли ижросини таъминлаш учун бандликни назорат қилиш тизими зарур.

– Бу борада Рақамли тараққиёт вазирлиги йил охиригача Меҳнат, Молия, Иқтисодиёт, Саноат вазирликлари ва бошқа мутасадди давлат органларининг ахборот тизимларини мувофиқлаштириши лозим. Шунингдек, барча мутасадди давлат органлари ва ҳокимликларга лойиҳаларни амалга оширувчи пудратчи ташкилотларнинг иш ўринларини яратиш бўйича мажбуриятлари устидан назоратни олиб боришни топшираман, – деди Ҳукумат раҳбари.

ТУРКМАНИСТОННИНГ ҚОЗОҒИСТОНДАГИ МАДАНИЯТ КУНЛАРИ БОШЛАНДИ

Тадбир доирасида туркман шоири Махтумқули Фироғийнинг асарлари асосида суратга олинган бадиий фильмлар намойиш этилди.

Кўргазманинг очилиш маросимида икки мамлакат давлат органлари вакиллари, ижод ва илм-фан соҳаси зиёлилари, жамоат арбоблари иштирок этди.

ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги раҳбари Ербўл Алиқуллов ўз маърузасида Махтумқули Фироғийнинг маънавий мероси бутун туркий оламда дўстлик ва тинчликни мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Маданият кунлари доирасида ҚР Миллий академик кутубхонасида Туркманiston Президенти Сердар Бердимухамедовнинг “Махтумқули” китоби тақдими ўтди.

Шу куни Қалибек Қуанишбаев номидаги Қозоқ миллий музыкали драма театрида “Туркманiston халқининг амалий санъати ва музей қадриятлари” мавзуда кўргазма ташкил этилиб, катта концерт ўтди.

Таъкидлаш жоизки, Туркманistonнинг Қозоғистондаги маданият кунлари Туркманistonнинг бой маданий мероси билан яқиндан танишиш учун ноёб имкониятдир.



Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2024 йил 27 июнь, пайшанба, №70 (3416).

ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

ДАВЛАТ РАҲБАРИ МАЛЬТА ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ ИАН БОРЧНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ



Президент Қасим-Жумарт Тўқаев Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси, Мальта Ташқи ишлар, Европа ишлари ва савдо вазир Иан Борч билан учрашиб, икки томонлама кун тартибининг долзарб масалалари, шунингдек, ЕХХТ доирасидаги ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилди.

Давлат раҳбарининг сўзларига кўра, ЕХХТ минтақамизда ҳам, ундан ташқарида ҳам хавфсизликнинг долзарб муаммолари шароитида уч йўналиш бўйича режаларни амалга оширмоқда. Қасим-Жумарт Тўқаев,

шунингдек, Қозоғистон ЕХХТнинг 2010 йилги Астана декларациясида белгиланган мақсадларга эришиш учун барча ташкилотга аъзо давлатлар билан яқин ҳамкорлик қилиш тарафдори эканлигини тасдиқлади.

– Биз ана шу эзгу мақсадларга эришиш, шунингдек, ҳар томонлама ҳамкорликка асосланган хавфсизликни таъминлаш мақсадида Ташкилотга раислик қилаётган Мальта билан ҳамкорликни давом эттириш учун барча имкониятларимизни сафарбар этишга тайёригимиз, – деди Давлат раҳбари.

Қ. Тўқаев Марказий Осиёда оқолишга ҳамда барқарор тараққиётга эришиш йўлида амалга оширилаётган фаол ташқи сиёсат, минтақада хавфсизликни

таъминлаш борасидаги муҳим вазифаларга тўхталиб, қатор долзарб ташаббусларни илгари сурди.

Учрашув якунида Давлат раҳбари Қасим-Жумарт Тўқаев Мальта Президенти Мириам Сплеттери Дебонига эзгу тилақларини йўллаб, икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашга, Қозоғистон ва Мальта муносабатларига янги суръат бағишлашга тайёр эканлигини маълум қилди.

Akorda.kz.

ТУРКИСТОН ЁШЛАРИГА – ЯНГИ БИНО



Туркистон шаҳрида янги «Ёшлар маркази» биноси фойдаланишга топширилди. Унинг очилиш маросимида иштирок этган вилоят ҳокими Дархан Сағитбадди туркистонлик ёшларга замонавий марказ калитларини топшириб, уларнинг барча ташаббусларига муваффақиятлар тилади.

– Бугун мамлакатимизда ҳар бир соҳада кенг қўламли ишловлар амалга оширилиб, жамиятдаги долзарб муаммоларни бартараф этиш борасидаги ишлар жадал олиб борилмоқда, ёшларнинг ҳар томонлама баркамол инсон сифатида вояга етиши ва таълим-тарбия олиши учун шароитлар яратилмоқда. Қозоғистонда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб халқимизнинг асрлар давомида интилиб келган орзу-мақсадлари ва замон талабларини, дунёвий тараққиёт мезонларини инобатга олган ҳолда, жамият ҳаётида ёш-

лар масаласига алоҳида эътибор қаратилди. 2023 йилда ёш авлодни қўллаб-қувватлаш, манфаатларини таъминлаш соҳасида халқимизнинг асрлар давомида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Албатта, бу жадал демократик тараққиёт йўлини танлаган ватанимиз учун мутла-

қо табиий ҳолдир. Чунки илм-фан ва технологиялар жадал ривожланаётган дунёда рақобат ортиб бораётган бир шароитда мамлакатларнинг тақдири ёшларнинг заковат салоҳияти, истеъдодига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Президентимизнинг «Адолатли Қозоғистоннинг иқтисодий йўналиши»

Мақтубида ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш, ёшлар билан ишлаш борасидаги муаммоларга самарали ечимлар топиш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилган эди.

(Давоми 3-бетда.)



Қозоғистонда янги Солиқ кодексига “Ҳашамат солиғи”ни жорий этиш таклиф қилинмоқда.

ҚР Миллий иқтисодиёт вазирлиги қайси харидлар солиққа тортилиши ҳақида маълумот берди. Улар:

- умумий қиймати 450 миллион тенгедан ортиқ бўлган кўчмас мулк;
- божхона қиймати 75 миллион тенгедан ортиқ бўлган енгил автомобиллар (қўшимча акциз солиғи);
- қимматбаҳо алкогольли ва тамаки маҳсулотлари, шунингдек, қимматбаҳо денгиз кемалари ва самолётлар (қўшимча акциз солиғи).

Муқаддам ҚР Миллий иқтисодиёт

вазирлигининг Божхона ва солиқ сиёсати департаменти директори Ерлан Сағнаев “Атамекен” МТПДА ўтган янги Солиқ кодекси тақдимида алкоғолли ва тамаки маҳсулотларига “Ҳашамат солиғи” жорий этилиши ҳақида маълум қилган эди.

Унинг таъкидлашича, тамакининг бир қутиси 10 минг тенгедан қимматроқ бўлса, унда солиқ акциз шаклида 10 фоиз кўпроқ тўланади. Агар бир литр қимматбаҳо алкогольли ичимликнинг нархи 1,5 миллион тенгедан ошса, акциз солиғи 10 фоизга ошади.

Обуна-2024

“ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН” – ДОНО ДЎСТИНГИЗ, ҲАМКОРИНГИЗ!

Қадрли муштарий!
2024 йилнинг иккинчи ярим йиллигига даврий нашрларга обуна якунланмоқда.

Мустақиллик билан тенгдош миллат минбари ва овози, фаҳри саналмиш “Жанубий Қозоғистон” газетаси омма ва давлат ўртасидаги олтин кўприк – доно маслаҳатгўй вазифасини ҳалол ва виждонан бажармоқда.

Ҳамиша шундай бўлиб қолади. Маънавий жиҳатдан юксалиб, баркамоллик сари интилишни истасангиз, вилоят янгиликларидан воқиф бўлмоқни ихтиёр айлаб, оламшумул воқеалардан беҳабар қолмай десангиз, ҳеч иккиланмай суюкли «Жанубий Қозоғистон» рўзномасига обуна бўлинг.

Туркистон вилоятининг «Жанубий Қозоғистон» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятидаги рақобатбардош, изланувчан жамоа доим сизларнинг орзунгиздаги жиҳатларга эътибор қаратишга, маънавий хизмат кўрсатишга шай.

6 ойга обуна баҳоси:
«Қазпошта» ХЖ орқали –
Туркистон вилояти бўйича – 3415,50 тенге;
Шимкент шаҳри бўйича – 3095,15 тенге.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466



▼ Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:

»»» «Қишлоқ омонати»

ТАДБИРКОРЛИККА ЖЎШҚИНЛИК БАҒИШЛАГАН ЛОЙИҲА

Бош вазир маслаҳатчиси Ерали Тўғжанов махсус хизмат сафари билан Туркистон вилоятига келди.

Сафар давомида у вилоят ҳокими ўринбосари Бейсенбай Тажибаев билан бирга маҳаллий тадбиркорлар билан учрашди. «Қишлоқ омонати» дастури орқали иш бошлаган фуқароларнинг фаолияти билан танишиб, корхона соҳибларининг муносабатларини тинглади.

Дастлаб, Ерали Тўғжанов Саврон тумани, Янги Иқон қишлоқ округига қарашли Ибота аҳоли манзилидаги Жасур Мўминовнинг балиқчилик хўжалиги билан танишди. Жасур фаолиятини 2023 йилда «Қишлоқ омонати» давлат дастури кўмагида бошлаган. Ишбилармон 2,5 фоиз билан 8,5 млн. тенге насия олган. Бугунги кунда 240 квадрат метр жойдаги 4та ҳовузда балиқнинг олабалиқ турини етиштирмоқда. У йилга 4 тонна балиқ етиштиришни кўзлаган. 4 киши меҳнат қиладиган хўжалик фаолиятини кенгайтиришни режалаштирмоқда.

Бош вазир ўринбосари Эски Иқон қишлоғидаги Моҳина Муслимованинг новвойхонасига борди. У ушбу лойиҳанинг 6-йўналиши бўйича 7 млн. тенге насия олиб, фаолиятини бошлаган. Новвойхонада бир кеча-кундузда 1600та нон ёпи-



лади. Бир йил аввал иш бошлаган тадбиркор бугунги кунда 10 хил қандолатчилик маҳсулотларини ҳам пиширмоқда.

Вилоятимизга хизмат сафари давомида Е. Тўғжанов Ўранғай қишлоғида «Қишлоқ омонати» дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар билан ҳам танишди. Хусусий тадбиркор Нигора Саидхўжаева 5 млн. тенге имтиёзли насия олиб, 0,80 гектар ерда иссиқхона ташкил қилган. Томчилатиб сугоришни йўлга қўйган тадбиркор йилга 4 тонна бодиринг етиштиради.

Е. Тўғжанов 7 млн. тенге имтиёзли насия олган Баҳодир Исроиловнинг бўрдоқчилик фермасига ҳам борди. «Рус-тамбек» деҳқон хўжалиги эса 3та қишлоқ хўжалиги техникасини харид қилиб, деҳқончилик

билан шуғулланмоқда. Хўжаликда йилга 120 тонна бўғдой, 100 тонна полиз маҳсулотлари етиштирилади. Тадбиркор ҳам қишлоқларига пулли хизматларни кўрсатиб, қўшимча даромад олмақда.

«Аҳолининг ўз ишини очиш» йўналиши бўйича 5 млн. тенге маблағ олган Бобир Носиров 300 кв. метр майдонда пайвандлаш цехини ташкил этган. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган цех йилга 3000та темир эшик ва стол ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу ерда 12 киши доимий иш билан банд.

Бош вазир маслаҳатчиси Е. Тўғжанов минтақадаги ишларни ижобий баҳолаб, лойиҳани давом эттириш, илғор тажрибаларни татбиқ этишни топширди.



30 МИЛЛИАРД ТЕНГЕЛИК МАҲСУЛОТ

Бош вазир маслаҳатчиси Ерали Тўғжанов вилоятимизга ташири доирасида «Қишлоқ омонати»нинг кўмагида амалга оширилаётган ишлар билан танишди ва дастур ижроси бўйича кенгайтирилган мажлис ўтказди.

Унда вилоят ҳокими Дархан Сатибалди, шаҳар ва туман ҳокимлари, бошқармалар раҳбарлари, лойиҳалар амалга оширилган қишлоқ ҳокимлари иштирок этди. Мажлисни бошқарган вилоят раҳбари лойиҳанинг вилоят учун аҳамияти

юксак эканлигини алоҳида таъкидлади.

«Қишлоқ омонати» дастури вилоят аҳолисининг даромадини оширишда ижобий натижа берди. Бугунги кунгача дастур ҳисобидан 30 млрд. тенгелик маҳсулот ишлаб чиқарилди, 3413та янги иш ўрни яратилди, 75та ширкат ташкил қилинди, — деди вилоят ҳокими.

ҚР Бош вазирининг маслаҳатчиси Ерали Тўғжанов лойиҳани амалга ошириш давомида ижобий тажрибалар ва муҳим масалаларга тўхталди. Мута-

сади бошқармалар ва қишлоқ ҳокимларига лойиҳани талабга мувофиқ равишда амалга оширишни топширди. Фақат чорвачилик эмас, балки, бошқа соҳаларга ҳам эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси раҳбари Нурбек Бадирақовнинг ҳисоботи тингланди. Унинг таъкидлашича, «Қишлоқ омонати» дастури қишлоқ аҳолисининг фаровонлигини ошириб, ижтимоий шароитларининг яхшиланишига хизмат қилмоқда.

ОЛТИН ДАВРНИНГ ШУКУҲЛИ ЛАҲЗАЛАРИ



Туркистон вилояти Ижтимоий тараққиёт бошқармасининг «Ёшлар имконият маркази» ДКК ва «Шаңырақ» ёшлар ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш маркази жамоатчилик бирлашмаси ташаббуси билан Туркистон шаҳрида вилоят «BEST STARTUP» энг яхши лойиҳалар танлови ўтди.

Дастурда иштирок этиш учун 130 киши ариза топширди ва ҳал қилувчи босқичга 20та лойиҳа қабул қилинди.

Танловда биринчи ўринни — Турали Темирлан (табиий қуритилган картошка) — 500 000 тенге, иккинчи ўринни — Райимжан Ақерке (ўқув маркази) — 300 000 тенге, учинчи ўринни — Тўқтан Ойдин (кутилар ишлаб чиқариш) — 100 000 тенге ҳамда Тилеген Базарқелди (маиший кимё маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва савдо айланмаси) — 100 000 тенге қўлга киритдилар.

Шунингдек, барча иштирокчиларга 70 000 тенге миқдорда рағбатлантирувчи мукофотлар ва ташаккурномалар топширилди.

Вилоятимизда уюштирилган шанбаликларда 50 мингдан зиёд одам иштирок этди. Ободончилик ишларига 69та техника жалб этилиб, бир ҳафтада 250 тоннага яқин чиқинди йиғилиб, чиқарилди.

Давлат раҳбарининг «Тоza Қозоғистон» умуммиллий ташаббуси доирасида 400 чаким қишлоқ йўллари тозаланди. 121та давлат муассасалари ва тадбиркорлик иншоотларига яқин ҳудудлар тозаланди. 57та бекат ҳамда 1291 кўча бўйидаги дарахтлар тартибга келтирилди.

Вилоят ҳокими девонининг ҳафталик мажлисида ушбу йўналишдаги ишлар сарҳисоб қилинди. Минтақа раҳбари Дархан Сатибалди масъулларга ишни жадаллаштириш юзасидан кўрсатмалар берди. Ободончилик тадбирларини тўхтатмаслигини топширди. Экологик акцияда иштирок этган барча туркистонликларга

250 ТОННА ЧИҚИНДИ ТЎПЛАНДИ



миннатдорчилик билдирган вилоят раҳбари ватанпарварлик озодалиқдан бошланиши, табиатни муҳофаза қилиш ҳар бир одамнинг бурчи эканлигини айтди.

Экотадбирга имкон қадар

жамоат ишларига йўлланган шахслар ҳам жалб қилинади. Бугунги кунда кўкаламзорлаштириш ишларида 6 мингдан зиёд, тозалик ишларида, 1 мингдан зиёд одам иштирок этмоқда.

ЖЕТИСАЙ ДРАМА ТЕАТРИДА - ФЕСТИВАЛЬ



Жетисай шаҳридаги Қ. Жандарбеков номидаги Жетисай драма театрига ОАВ вакилларининг матбуот сафари уюштирилди. Журналистлар «Қарашаңырақ-2024» номли театр фестивалининг очилиш маросимида иштирок этишди.

Тадбирда 2020-2024 йилларда саҳналаштирилган турли жанрдаги 10та спектакль томошабинлар эътиборига ҳавола қилиниб, энг яхши саҳна асарига мукофот тайинланади. Театр раҳбари Урал Камалнинг айтишича, фестиваль — театрнинг 55-мавсуми ёпилиши муносабати билан уюштирилди. Журналистлар матбуот анжуманидан сўнг, театр саҳнасида «Ёш Абай» асарини томоша қилишди. Спектакль қозоқ халқининг файласуф оқини Абай Қунабаевнинг 175 йиллигига бағишланди.

Вилоятда 2,1 млн. киши истиқомат қиладиган 800дан зиёд аҳоли манзилининг 361таси чиқинди чиқариш хизмати билан таъминланган.

Туман, шаҳарлар ҳудудида 151та қаттиқ маиший чиқиндиҳона ўринлари белгиланган. Унинг 32таси туман уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси тасарруфидаги бўлимга, 76таси қишлоқ ҳокимликларига ва 43таси ишончли бошқарувга берилган. Тадиқот ишларининг натижасига кўра, вилоятдаги 151та чиқиндиҳонанинг 71 фоизи санитария талабларига мувофиқ келмаслиги аниқланди. Чиқиндиҳоналар масаласи вилоят ҳокими дево-

ЧИҚИНДИХОНАЛАР ТАРТИБГА КЕЛТИРИЛАДИ

нинг мажлисида муҳокама қилинди. Минтақа раҳбари Дархан Сатибалди мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

Жорий йил 7 февралда ҚР Президенти Қ. Тўқаев ўтказган кенгайтирилган мажлисда йирик шаҳарларда сармоядорлар иштирокида қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш заводлари барпо этишни жонлантириш юзасидан топшириқ берган эди.

Чиқиндиларни йиғишдан бошлаб, саралашгача ишлар билан шуғулланадиган пудратчи муассасаларни «Жасыл Даму» ХЖ ҳисобидан субсидиялаш кўзланган. Вилоятда бугунги кунга қадар 14та лойиҳа тасдиқланган.

Мажлисида вилоят ҳокими мазкур ишларни жонлантириш, чиқиндиларни турли жойларга бетартиб ташлайдиган фуқароларга тегишли жарима солиш,

тозаликка риоя қилиш борасида тарғибот ишларини кучайтириш, ноқонуний ва талабга жавоб бермайдиган чиқиндиҳоналарни тартибга келтириш юзасидан кўрсатмалар берди.

Ушбу ишлар тўғри бажарилмаса, туман, шаҳар, қишлоқ ҳокимлари ҳамда мутасадди бошқарма раҳбарларига тегишли чоралар кўрилиши хусусида огоҳлантирилди.

Туркистон вилоятида «Тоza Қозоғистон» тадбири доирасида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва тозалаш ишлари давом этмоқда.

Бундан ташқари, Туркистон вилояти полицияси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қондаларини бузиш, жамоат жойларини ифлослаш, яшил майдонлар ва давлат мулкига етказилган зарарларнинг олдини олиш юзасидан тизимли ишларни амалга оширмоқда.

Туркистонда бир ҳафта мобайнида олиб борилган назорат ишлари натижасида жамоат жой-

ларини ифлослантириш бўйича 155та ҳолат аниқланди. Ҳуқуқбузарларга деярли 1,7 миллион тенгега яқин миқдорда жарима солинди. Бугунги кунда уларнинг 46,7 фоизи ундирилди. Ободонлаштириш талабларини бузган 68 фуқаро аниқланиб, уларга йирик миқдорда жарима солинди.

Шунингдек, йўл юзасига зарар етказган 2та юк машинаси ҳайдовчиси маъмурий жавобгарликка тортилди.



ТУРКИСТОН ЁШЛАРИГА — ЯНГИ БИНО



(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар айти шу вази-фалар ижросига қаратилди. Туркистон вилояти демографик ўсиш суръати юқори бўлган ҳудуд. Минтақада 14-35 ёшли йигит-қизлар сони 663 минг кишидан ошиб, аҳолининг 30 фоизини ташкил этади. Туркистон шаҳрида бугунги кунда 72 мингга яқин ёшлар истикомат қилади. Бу улкан демографик гуруҳ ва инсон капитали. Бу йил Туркистон вилоятига 6 йил тўлди. Шу қисқа давр мобайнида вилоятимиз марказида ёшларга қулай шароитлар яратиш мақсадида кўплаб маданият ва спорт иншоотлари барпо этилди. Шулардан бири бугун Туркистон шаҳрида фойдаланишга топши-

рилаётган “Ёшлар имконият маркази биноси”. Ишончим комилки, бу бино Туркистонлик ёшларни илҳомлантирадиган, юртга хизмат қилаётган йигит-қизларни бирлаштирадиган марказ сифатида хизмат қилади. Ёшлар биноси фаол марказга айлансин! — деди вилоят раҳбари.

Ушбу иншоот маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан барпо этилди. Меъморчиликнинг замонавий намуналари ва мухташамлик уйғунлашган бино кунига 100дан зиёд ёшларга хизмат кўрсатади. Бу ерда уларнинг заковатини юксалтириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, бунёдкорлик билан шуғулланиши учун барча шароитлар яратилган. Марказ махсус дам олиш маскани, турли уйин май-

донлари, электрон кутубхона, тўгарак хоналари, кичик спорт зали ва кўп тармоқли хоналар билан жиҳозланган. Кўнгилчилар учун катта зал ва кинотеатр ҳам мавжуд. Бундан ташқари, “Ёшлар маркази”да амфитеатр барпо этилмоқда.

Туркистон шаҳрида истикомат қиладиган 14-35 ораллигидаги ёшлар сони 71 486 нафарни ташкил этади. Шаҳардаги 2та олий ўқув юртида 12265 нафар талаба таҳсил олмақда. 8та ўрта махсус таълим юртлирида 7441 нафар йигит-қиз касб эгалламоқда. Туркистон шаҳридаги умумтаълим мактабларда 7-11-синфларда 18844 нафар ўқувчи таҳсил олмақда.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



»» Янги Қозоғистон бунёдкорлари

Маҳмуд ТОШМАТОВ:

МАҚСАДИМ — ҚЎЛ ТЎПИДАН БИРИНЧИЛИККА ЭРИШИШ

Туркистондаги А. Навоий номли умумтаълим мактаби касаба уюшма кўмитаси ҳамда жисмоний тарбия фан бирлашмаси раиси, таниқли спорт ҳакам-модератори Маҳмуд Тошматов «Жанубий Қозоғистон» газетаси обунасини ташкил этишда хизматлари беқиёс эканлигини миннатдорчилик билан эътироф этамиз.



Падари бузруквори, фахрий темирйўлчи Худойберган Ибот ўғли Туркистон локомотив депосида хавфсизлик назорати хизмати раҳбари бўлиб ишлаган ҳамда мактабда узоқ йиллар ота-оналар кўмитасига самарали етакчилик қилган. Волидаи муҳтарамаси Зайнаб Мажид кизи саккиз нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етгазган қаҳрамон она эди. Қобил фарзандлар —

раймов раҳбарлигидаги синфда ўқиган. Шимкент жисмоний тарбия институтини ҳамда А. Ясавий номидаги ХҚТУни жисмоний тарбия ва мурабийлик соҳаси бўйича муваффақиятли тамомлаган. А. Навоий номли мактабда меҳнат қилаётганига 35 йил бўлмоқда. Ҳамкасблар-

ийлдан буён вилоят миқёсида пешқадам. Уларнинг жисмоний тарбия марказларида ўтган республика мусобақаларига йўлланма олганлиги, мактабнинг республикага танилгани, фахрли ўринларни эгаллаганлиги вилоят спорт тарихининг шонли саҳифаларидандир.

Жорий ўқув йили якунига кўра, югуриш, футбол, волейбол, баскетбол, гимнастика бўйича спортнинг олти турини қамраб олган Президент тестини топшириш бўйича мактаб ўқувчилари биринчи бўлди. Мактаб ўқитувчилари шаҳардаги 33та ўрта умумтаълим масканлари орасида волейбол, шахмат, шашка, футбол, теннис бўйича ўтказилган мусобақаларда жорий йилда яна биринчи ўринни эгаллади.

Маҳмуд Худойберган ўғлининг умр йўлдоши Сайёра Тошметова ҳам А. Навоий номли мактабнинг биология фани ўқитувчиси. Аҳил оилада қобил фарзандлар — Дилмуҳаммад, Мансур, Дилфўруз, Элшодлар тарбия топан, беш нафар неварани хонадоннинг қувончи.

— Мактабимиз ўтган асрда таниқли устоз Мақсад Нуриддинов (марҳум) етакчилигида Туркистон спорт тарихида етакчи бўлиб келган. Мақсадим — спортнинг қўл тўпи бўйича А. Навоий номли мактаб ўқувчилари жамоаси келажакда шаҳар, вилоят миқёсида етакчи ўринларни эгаллашига эришиш. Бунинг учун имкониятлари етарли, — деди Маҳмуд Худойберган ўғли.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Маҳмуд Тошматов; оила даврасида.



Маммаджон, Қундуз, Раҳбар, Шарофат, Мунаввар, Рўзбой, Рустам, Маҳмудлар мактабда ўқиб, турли соҳаларда илм масканида елкадош бўлган, ота-оналар кўмитаси ҳамда мактаб спорт соҳаси ривожига саъй-ҳаракатлари билан ҳисса қўшган.

Мақолаамиз қаҳрамони Маҳмуд Худойберган ўғли 1969 йили туғилган. А. Навоий номли мактабда устоз Жалилбой Абду-

ри Маъмур Тўрахонов, Баҳодир Абдуллаев, Шерали Тўрахонов, Дилмуҳаммад Рўзиметов, Жаҳонгир Маткаримов ва Дилшод Йўлдошевлар билан биргаликда А. Навоий номли мактабда спортчи ўқувчилар жамоаси шаҳар, вилоят, республикада юксак натижаларга эришганлиги фикримизнинг далилидир. Хусусан, баскетбол бўйича мактабнинг юқори синф ўқувчилари 2021

»» Саҳоват

Сайрам туманининг Қорабулоқ қишлоғидаги “Султониёз ота” тамаддиҳонасида “Мейримди жүрек” акцияси доирасида хайрия тadbiri ўтди. Унда 50дан зиёд имконияти чекланган болалар иштирок этди.

Тadbir аввалида “Сахий” жамғармасининг аъзолари Сайёра Шукурова ва Дилмура Аботовалар иштирокчиларга ташкилот раҳбари Отабек Эркиновнинг эзгу тилақларини етказишди.

Шунингдек, “Султониёз ота” тамаддиҳонаси раҳбари Абдуҳалил Анортоев ва ота-оналар болаларни қўлаб, “Сахий” жамғармаси совғаларини

ЮРАКДАН МЕХР КЕТМАСИН...



улашди. Болалар иштирокидаги концерт даврага файз киритди.

“Уйда ижтимоий хизмат кўрсатиш маркази” муассасаси раҳбари Аблай Узоқов тadbirни яқунлаб, ташкилотчилар ва хомийларга миннатдорчилик билдирди.

Шу куни болаларнинг узоғини яқин қилган қишлоқдаги “Salam” такси хизмати ходимларининг беминнат хизматини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айниқса, тadbir давомида “Уйда ижтимоий хизмат кўрсатиш маркази” муассасаси ходими

Илҳом Абдукаримовнинг “Жанубий Қозоғистон” газетасини тарқатиб, нашрни тарғиб қилишга ҳисса қўшгани таҳсинга лойиқ.

З. МЎМИНЖОНОВ.

Тасвирда: тadbirdан лавҳа.

»» Жиноят ва жазо

Қисқагина даврда улкан ишларни бунёд этиб, ўзидан кўнгли тўлганлар ҳам бор, бундан қувонасан, ҳавас қиласан. Бироқ, олдига муайян мақсад қўймай, ҳаётнинг қадр-қимматини англамай, умрини бой берганлар ҳам бўладики, мана бу чин маънода надомат келтиради.

Озодликдан маҳрум қилиш жазоси. Бу сўзлар юракни тешиб, вужудни пора қилиб етиб боради манзилга. Бир эмас, бир неча қалбларни эзди. Бундай тақдирни ҳеч бир инсонга раво кўрмайсан.

Икром Самиев (исм-шарифлар ўзгартirilган) қарий олти йил қоралаган. Қора курсига илк бор ўтирганида 22 ёшдаги навқирон йигит эди. Суд жараёнидаги тўймайин боқайтган кўзлар киприк қоқишга-да муддатни қизғонади. И. Самиев, унинг яқинлари ҳозир нимадир содир бўлишини ҳис этишди. Мана, суднинг сўнги сўзи айтилди. Беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси...

Бу кўргуликдан отилган тош ота-она ва жигарларнинг юрагига теги. Улар ўзларига келишолмасди. Суд зали ота-онанинг қаддини букиб чиқарди.

Ҳаётининг охири дамларига қўзлари нигорон йўл боқиб ўтган эр-хотин, ҳартугул, «Бир ёмоннинг бир яхшиси борди, илоҳим яхшилиқка...», дея умидвор бўлишди. Кўнлар йилдайн бўлса-да ўтди, дуолар билан овунган муштипарларни ниҳоят тангри қувонтирди. Фарзандларининг соғ-омон қайтгани, изтироблару укубатларни аритди. Ўтган ишларни елкадан ошириб, ўғилларига инсоф тиланишди. Чиндан ҳам сим тўрлар ортидаги ҳаёт Икромга сабоқ бергандай эди. Ота-она яхши ният билан эшик изгиб келин туширишди.

Аммо... Олти йилгина давом этган бахтиёр ҳаёт, нима бўлди-ю ана шайтоннинг нағмаси билан капписига айлана бошлади. И. Самиев бой берган беш йилнинг ўрнини тўлдириб улгурмай, иккинчи бор суд ҳукми билан юзлашди. Кейин учинчи бор... Инсоннинг ёқтирган фаолияти ёки машғулотини унинг ҳаёт тарзига айланади. Шу билан ҳузур топади, яшашга иштиёқи ортади. И. Самиевнинг ҳаёт тарзини кўриб, нахотки шу унинг ҳаёт тарзи бўлса, дея ўй-

ланасан. Чунки у 2013-2021 йиллар ораллигида уч бор судланди. Мана, бешинчи бор у яна суднинг қора курсисиди.

Бу галги қилмиши эса барчасидан-да оғир...

Тартибсиз ўтган умри мобайнида И. Самиевнинг топан фойдаси беш нафар фарзанди бўлди, холос. Ҳаётининг сокин, улғулик даврига етиб қолган бу кимса минг афсуски, ҳеч бўлмаганда ўз қадрини билмади. Набираларини эрқалатиб, уй тўрида азизу муқаррам бўлиб ўтирмади.

Умри давомида юрган кингир кўчаларидан юқтирган гиёҳвандлик касаллиги бу гал панд берди. 2006 йилдан буён нарколегия ҳисобида турган И. Самиев аслида

бири мулозамат билан. — Сиздан угина, биздан бугина.

И. Самиев гиёҳванд моддага буюртма берди.

Орадан бир ҳафта ўтиб-ўтмай, танишлардан кўнгирик келди.

— Эски жойдаги ошхонада кўришамиз, бир килограмм тайёрлаб қўйдим, — деди «Полвон» лақабли сотувчи угна.

— Шеригим Собир (Асадов) билан бораман. Пул шу йигитда. Ўзи ҳисоб-китоб қилади...

Келишилган жойга етиб боришди ва олиб келинган моддани харид қилишди.

Хурсанд бўлган «Полвон» пулни олиб қўйиб бўлди. Бир килограммдан ортиқроқ бўлган гиёҳванд модда билан шеригини кутиб ўтирган И. Самиев ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари кўлига тушди.

Шундай қилиб, уларнинг «дори операцияси» якунига етмади...

Ҳаёт гўзал, яшамоқ роҳат. Тинч, дориламон даврнинг ҳар оини бе-заб, унинг зақи, гашти билан фароғат топанлар, топаётганлар учун. Олам тугун, нафас олмақ азоб. Еши бир жойга етганда ортига боқиб кўзи зулматдан топанлар, «шунча яшаб ёруғ дунёдан не топан?» деган саволдан эзилаётганлар учун.

Фарзандлари, оиласининг эртаси, ўз виждони олдида ерга боққанлар сирасига кирган юқориди икки шахс С. Асадов ҳамда И. Самиев бугун ана шу азобда.

Еши бир жойга етганда мажбурий доволанишга муҳтожлик, ҚР Жиноят кодексининг тегишли моддалари асосида 11 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси — бу Икром Самиевнинг ёруғ оламдан топан яна бир «ёзуви».

Унга ёндощ ҳондощ бўлиб тил бириктирган, биргаликда маишат-бозлик қилиб гиёҳванд моддаларни нафақат истеъмол қилган, балки сотувга тайёрлаган С. Асадовга эса, суд 12 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади. Шояд бу йиллар унинг тўғри йўлни топишида етарли муддат вазиғасини бажарса.

Р. САБАЗОВ,
ҚР ички ишлар органи
фахрийси, полиция майори.



»» Янги Қозоғистонни бирга барпо этамиз!

ЮРТ РАВНАҚИ, ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ВА ИСЛОҲОТЛАР



Тўлебий тумани ҳокими Т. Телғараев Ленгер шаҳри ва қишлоқларда давлат дастури доирасида қад ростлаётган уй-жой ва ижтимоий иншоотларни кўздан кечириб, қурилиш майдонларида бинокорларнинг фаолияти билан танишди. Ҳоким Олатов, Киелитас қишлоқ округлари ва Ленгер шаҳри аҳолиси билан сайёр учрашувлар ўтказди. Халқ билан мулоқот давомида ёшлар бандлигини таъминлаш, таълим-тарбия сифатини ошириш, чекка ҳудудларни зарур инфратузилма ва интернет билан таъминлаш каби масалалар юзасидан долзарб муаммолар муҳокама қилинди.

– Қишлоқ ва шаҳарларимизни ободонлаштириш соҳасидаги вазифалар долзарб, – деди ҳоким туман фаоллари билан учрашувда. – Бу – замонавий меъморчилик ва шаҳарсозлик талабларига мос, намунали лойиҳалар ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш, қурилиш кўламини ошириш ҳамда уни индустриаллаштириш, қишлоқларда маҳаллий хомашё ва меҳнат захираларидан кенг фойдаланган ҳолда янги ва замонавий қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Уй-жой, ижтимоий ва маиший ҳамда маданий иншоотлар қурилишидан, автомобиль йўлларининг ҳолатини, транспорт ва коммуникация хизматларини яхшилашдан, умуман қишлоқ аҳоли манзилларининг қиёфасини ўзгартиришдан ва пировардида, қишлоқ аҳолиси турмушининг сифат даражасини янада оширишдан иборат. Белгиланган вазифалар орасида қишлоқларимиз ҳаёт сифатини тубдан юксалтириш чора-тадбирларини амалга ошириш ҳам муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Йиғилишда сўзга чиққан туман маслаҳати котиби Нурлан Қўйбағаров истиқлол халқимиз учун ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси бўлиб, ўз қадр-қимматини англаш, муносиб ҳаёт кечириш имконини берганини, ҳар бир фуқаронинг иқтисодий-ижтимоий соҳаларда истеъдод ва қобилиятини тўла намоён этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўйбга чиқариш, юртимизда озод ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг мустақкам гарови бўлиб келаятигини таъкидлаб, мустақиллик йилларида бой тарихимиз, қадимий урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланиб, меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби эзгу фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун яшаш

ҳаётимизнинг асосий қоидасига айланганини таъкидлади.

– Кенг кўламли ислоҳотлар натижасида иқтисодий-ижтимоий барқарор ривожланиб, аҳоли фаровонлиги ошиб бораётгани, юртимизда қабул қилинган муҳим ижтимоий аҳамиятга молик дастурлар ўз самарасини бераётганлиги 1 Мамир қишлоғи мисолида ҳам яққол ифодасини топмоқда. Қишлоқда кенг кўламли ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш, ижтимоий-маданий масканларни таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Янги ижтимоий-маданий иншоотлар, ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилмоқда. Бу ерда таълим-тарбия, маънавият ва маърифат масканлари, тиббий муассасалар, ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд. Мактаблар жаҳон андазалари даражасида таъмирланиб, таълим сифати ва мазмуни бутунлай ўзгармоқда. Уларнинг моддий-техник базаси мустақкамланаётгани кам таъминланган, алоҳида эътиборга муҳтож болаларни ижтимоий ҳимоялашнинг аниқ ва манзилли тизимини самарали амалга ошириш имконини бермоқда.

Туман ҳокими жорий йилнинг биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эришилган муваффақиятларга тўхтади.

– Бугунги кундаги асосий вазифамиз – халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир, – деди у. – Шунинг билан маъмуният билан таъкидлашимиз жоизки, Ҳукуматимиз томонидан 2020-2025 йилларга мўлжалланган стратегик режанинг аҳамияти юксак бўлди. Унинг доирасида амалга оширилган яна бир йўналиш – тадбиркорлик салоҳиятини мустақкамлаш юзасидан қабул

қилинган амалий чоралар. Яна бир устувор йўналиш – ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурини амалга ошириш доирасида юзлаб гектар каналлар тозаланди, бунинг учун «Йўл харитаси» давлат дастури орқали зарур маблағ ажратди. Натижада, 4 минг гектардан зиёд обикор ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди ва бу қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини, деҳқон хўжалиқларининг даромадини ошириш имконини беради.

Жорий йилда йирик сармоявий лойиҳаларини амалга ошириш, ишлаб чиқариш ва коммуникация иншоотлари, қишлоқ хўжалиги ҳамда мелиоратив қурилишни ривожлантириш билан бир қаторда, ижтимоий соҳани янги босқичга кўтариш масалалари ҳам эътиборимиз марказида бўлди. Хусусан, жорий йилда ҳам юзлаб янги иш ўринлари яратилди, кичик бизнес ривожига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Маҳаллий аҳоли, асосан, ёшлар туман ҳудудида олиб борилаётган қурилишлар, қишлоқлардаги аҳолига хизмат кўрсатиш шахобчаларига жалб этилмоқда.

Йиғилишда сўзга чиққан туман фахрийлар кенгаши раиси А. Шинғисбаев мамлакатимизни ривожлантириш, янгилаш ва замонавийлаштириш юзасидан танлаган дастуримизни амалга ошириш натижасида юртимиз дунёдаги санокли давлатлар қаторида иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг барқарор суръатларини таъминлаш, аҳолининг фаровонлигини юксалтиришга эришгани барчамизга мамнуният ва ифтихор бағишлаганини айтди.

Тадбирда сайёҳликни ривожлантиришга янада кенг йўл очилиши айтилиб, соҳанинг муаммолари муҳокама қилинди.

Йиғилиш якунида Тўлеген Туртайули тадбир иштирокчиларини Давлат хизматчилари куни билан табриқлаб, эзгу ниятларини билдирди. Ҳоким ва маслаҳат раиси бир гуруҳ давлат хизматчиларига давлат мукофотлари ва фахрий ёрликлар топширишди.

Б. ДҮСМАТОВА.

»» Обуначиларимиз орасида

КАЪБАТУЛЛОҲНИ КЎРИШ САОДАТИ



Доимий фаол обуначимиз, нафақага чиққандан сўнг ҳам 10 муштарийни газетамизга ошно этаётган Ҳусан Убайдуллаев умр йўлдоши Маъмура Муҳаммадҷон қизи билан Дилбар Дийметова раҳбарлик қилаётган Ҳамза номли мактабда узоқ йиллар ўзбек тили ва адабиёти фанининг олий тоифали муаллимлари бўлиб самарали меҳнат қилишган.

Улар шу йил 1 июнь куни Маккаи Мадинага сафарга отланиб, исломнинг бешинчи фарзини адо этиш, Каъбатуллоҳни зиёрат қилиш саодатига мушарраф бўлишди. Ҳам умра, ҳам улкан ҳаж сафарлари биргаликда амалга ошганиги ушбу мунаввар зиёратнинг ўзгачалигидир. Улар тоат-ибодатида аввало жаҳонга, хусусан, элимизга, қадрдон Туркистонимизга осойишталик, омонлик ва равақ, ёшларга саодат, иймон тилладилар. Ниятларингиз қабул, муродларингиз ҳосил бўлсин, ҳожи ота ва ҳожи она.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Суратда: зиёрат чоғида.

ИШ ВАҚТИ БИР СОАТ ОЛДИН БОШЛАНИШИ МУМКИН



Қозоғистонда ягона вақт минтақасига ўтилиши муносабати билан иш вақти ўзгариши мумкин, яъни, бир соат олдин бошланади.

Ҳукумат йиғилишидан сўнг ОАВ вакиллари ҚР Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Светлана Жақиповага куйидаги савол билан мурожаат қилишди: «Республикамизнинг айрим ҳудудларида соат минтақаси ўзгариши муносабати билан ижтимоий тармоқларда бир соат олдин иш бошлаш таклифи қилинмоқда. Чунки қишда эрта қоронғу тушади. Бу таклиф ҳақида қандай фикрдасиз, Меҳнат вазирлигининг режаси қандай?»

– Бизга бу ҳақда жуда кўп хатлар келмоқда. Таъкидлаш жоизки, иш берувчи ва ходим ўртасида шартнома мавжуд, иш тартиби ҳар икки тараф томонидан тузилади. Шунинг учун, қоронғу пайтда ишламаслик учун иш берувчи билан келишиб, иш тартибини қайта кўриб чиқиши мумкин, бу улкан муаммо эмас, – дея жавоб берди Светлана Жақипова.

Шунингдек, вазир хусусий ва бюджет муассасаларига таклифлар киритилганини айтди.

– Биз таклиф киритдик, у қабул қилинса, иш бир соат олдин бошланиши мумкин. Меҳнат кодексига, қонунлар асосида икки томонлама шартномага ўзгариш киритиш керак, холос, – деди вазирлик раҳбари.

24.kz.

»» Янги Қозоғистон бунёдкорлари

Ҳалол меҳнати билан ҳам-қишлоқларининг ҳурматини қозонаётган Тўлебий туманининг Султонработ қишлоғида истиқомат қилувчи санъаткор Икромжон Бердибоев билан суҳбатда бўлсангиз, қосиб ўтган ҳаёт йўли ёшларга ибрат эканига амин бўласиз.

– Инсон доимо бахтли бўлишга интилиб яшайди. Тугилиб ўсган, камол топган Ватанинга хизмат қилиш, унинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш, бундай шарафли вазифа йўлида элим деб, юртим деб ёниб яшаш – улкан саодат, – дейди у. – Бинобарин, бугун инсон ва унинг манфаатлари устувор саналган мамлакатимизда фидойилик кўрсатаётган киши борди, меҳнати қадр топиб, эл орасида катта обрў-эътибор қозонмоқда. Шунинг унутмаслик керакки, ҳаёт синовлари ва машаққатларини ирода, матонат, сабру тоқат билан енгиб ўтган кишиларгина чинакам бахтга эриша олади.

Икромжон Бердибоев ташкил этган «Султонработ» халқ дастаси ўтган асрнинг 80-йилларида «Шодлик» деб номланган. Вилоят ва республика бўйлаб гастролларга чиққан, республика телевидениесида концерт дастурлари намойиш этилган дастага кейинчалик «Султонработ» номи берилди.

1987 йилда таниқли санъаткор Луқпан Есенов бошчилигида «Қозо-



ғистон» телеканалда ушбу дастанинг концерти намойиш этилади.

1988 йилда Маданият вазирлиги қарори билан «Султонработ»га «Халқ дастаси» унвони берилди.

Репертуаридан ўзбек, қозок, озарбайжон ва шарқ куй-қўшиқлари урин олган даста 1988 йилда «Бутуниттифоқ халқ ижодиёти фестивали

лауреати» унвони билан тақдирланди. 1989 йили «Тамаша» концерт дастури, «Кўнгилочар», «Оқшом» телекўрсатувларида иштирок этиб, санъат шинавандаларининг олқишига сазовор бўлди. Дастаннинг хушовоз хонандаси Ваҳожон Садибоев «Офарин» танлови совриндори бўлди. У ширали овози ва

Масъул шахслар:
Туркистон, Сағрон – Шомира МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.
Тўлебий – Баҳорой ДҮСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.
Қазигурт – Хуршид КҮЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.
Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулқибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.
Жетисай, Мақтаарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Саригоч – Малика ЭЛПОЕВА. +7702-841-78-82

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – «Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти» масъулияти чекланган биродарлиги.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўричилиги учун иррадиациялар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
• Фойдаланилган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди.
KZ34VRY00022503 сувоҳнома берилган.

«ERNUR» МЧБ Босмаҳонасида чоп этилди.
Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шохқўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 11400 нусха.
Бўғим: 1561. Навбатчи муҳаррир: Мунира САЪДУЛЛАЕВА.

**Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВЕВ.**

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазхон БҮРҒОНБОВЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.